

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.05/07.06.2024.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ
ИНСТИТУТИ**

АТАКУЛОВ ТЎХТАМУРОД УМАРОВИЧ

**МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЁМОНЛАШГАН ЕРЛАР МОНИТОРИНГИНИ
ЮРИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of (DSc)
on agricultural sciences**

Атакулов Тўхтамурод Умарович Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш	3
Атакулов Тухтамурод Умарович Совершенствование методологии ведения мониторинга земель с ухудшенным мелиоративным состоянием.....	27
Atakulov Tukhtamurod Umarovich Improvement of the methodology for monitoring lands with deteriorated meliorative conditions.....	53
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
DSc.05/07.06.2024.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ЎЗДАВЕРЛОЙИҲА» ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАЛАШ
ИНСТИТУТИ**

АТАКУЛОВ ТЎХТАМУРОД УМАРОВИЧ

**МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ ЁМОНЛАШГАН ЕРЛАР МОНИТОРИНГИНИ
ЮРИТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.DSc/Qx352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўздаверлойиҳа» давлат-илмий лойиҳалаш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz.) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Рухидин Амиркулович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Авезбаев Садулла
иктисод фанлари доктори, профессор

Сафаров Эшқобил Йўлдошев
техника фанлари доктори, профессор

Исашев Анвар
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/07.06.2024.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг « 06 » август 2025 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag_info@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№553371 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2025 йил « 22 » июл куни тарқатилди.

(2025 йил « 22 » июлдаги №1-рақамли реестр баённомаси).

Н.Б.Раупова

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Г.С.Содиқова

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., доцент

У.Норкулов

Илмий даражалар берувчи бир
марталик илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. 2023 йил якунида “дунё аҳолиси сони 8 млрд. ни ташкил қилиб, 2030 йилнинг ўрталарида 8,6 млрд. га, 2050 йилларга келиб ўртача 11,2 млрд. га етиши башорат қилинган”¹. Бундай демографик жараёнлар озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаи назаридан мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган талабнинг ортаётганлигини кўрсатади. Шунинг учун, озиқ-овқатга бўлган талабни таъминловчи асосий восита бўлган ер ресурсларини замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда бошқариш орқали самарадорликни янада оширишни тақозо этмоқда. Бунда рақамли иқтисодиёт шароитида ер ахборот тизимларининг услубиётини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги суғориладиган ерларини йўқламадан ўтказишнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мелиоратив ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалиги ерларини йўқламадан ўтказиш учун турлича ёндашувлар ва механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқламадан ўтказишда инновацион технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг кўламли ирригация ҳамда мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон-2030 стратегиясида “...мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш натижасида суғориладиган ер майдонларида шўрланган майдонларни 1,7 млн гектаргача, бунда кучли ва ўрта шўрланган суғориладиган ер майдонларини 430,0 минг гектаргача, ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда бўлган ер майдонларини 773,4 минг гектаргача камайтириш” муҳим стратегик вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, ерларнинг мелиоратив ҳолати мониторингини юритиш орқали, турли омиллар таъсирида юзага келаётган ўзгаришларни аниқлаш ва ушбу ерларни барқарор бошқариш бўйича илмий изланишларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги “Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллариини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 50-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 апрелдаги “Бузилган

¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/2023-yil-yakunida-dunyo-aholisi-soni-8-milliardga-etishi-kutilmoqda>

ерларни рекультивация қилиш, тупроқнинг унумдор қатламини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 169-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 августдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор рақамли технологияларни жорий қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 330-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг III. “Ахборотлаштириш ва ахбороткоммуникация технологияларини ривожлантириш” ҳамда IV. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторингини юритиш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, хусусан, БМТнинг (FAO) ташкилоти, University Tsukuba, University Kyoto (Япония), Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center (Хитой), Global Environment Facility (GEF), Global Forum on Agricultural Research (GFAR), Central Asian Countries Initiative for Land Management (CACILM), U.S. Geological Survey (АҚШ), Москва давлат ер тузиш университетида олиб борилмоқда.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторингини юритиш бўйича жаҳонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида, куйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: рақамли технологиялар асосида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари баҳоланган, маҳсулдорлиги аниқланган ва унинг мониторинги юритилган (Food and Agriculture Organization of the United Nations (FAO), суғориладиган ерларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати, шўрланиш ҳолати, унумдорлиги мониторинг қилинган ва уларни яхшилаш ҳамда ГАТ мониторинг кузатувларини қўллаш технологиялари такомиллаштирилган (University Twenty, Chinese Academy of Sciences, China National Environmental Monitoring Center, Higher Institute of Environmental Sciences and Technologies); ерларнинг замонавий ҳолати ва ГАТ технологиялар ерни масофадан туриб зондлаш методологиясидан (ЕМЗ) фойдаланиш бўйича ишланмалар яратилган (University Kyoto); иқлим ўзгаришларига мослашиш, тупроқларнинг таназзулга учрашига қарши кураш технологиялари такомиллаштирилган (Global Environment Facility, Global Forum on Agricultural Research); ер мониторингини юритиш асосида биохилма-хилликни қайта тиклаш, ем-хашак экинлари маҳсулдорлиги, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган (Central Asian Countries Initiative for Land Management), масофадан зондлаш ёрдамида ер ресурсларини кузатиш моделлаштирилган ва хариталаштирилган (U.S. Geological Survey, АҚШ), суғориладиган мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни мониторингини юритиш концепцияси ишлаб чиқилган (ВолжНИИГиМ, Россия).

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида мелиоратив ҳолати

ёмонлашган ерларни мониторингини юритиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қишлоқ хўжалик ерлари ва экинларини масофадан зондлаш материаллари асосида баҳолаш ва учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида инновацион рақамли технологиялар билан биргаликда ерларнинг мелиоратив мониторингини юритиш ва уларни такомиллаштиришдан иборат.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторинги ва самардордорлигини ошириш масалалари хорижлик олимлар томонидан ўрганилиб, бир қатор илмий нашрларда чоп этилган. Жумладан, турли минтақаларида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари Т.С. Хачатурова, В.С. Дмитриева, Б.Н.Малышевича, С.Н.Волков, А.С.Чешев, В.В.Вершинин, Г.Э.Ларин, А.О.Хомутов, М.В.Максумова, Prasad S.Thenkabail, M.Thomas Lillesand, W.Ralph Kiefer, W.Jonathan Chipman, Lam Dao Nguyen ва бошқа олимларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин тутди. Республикамизда ушбу масалалар С.Авезбаев, Р.А.Тураев, М.Х.Хамидов, Қ.Рахмонов, Э.Ю.Сафаров, Ғ.Толипов, У.П.Умурзаков, А.К. Базарова, М.Қ.Султонов ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган ва маълум ижобий натижаларга эришилган.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти олимлари 2003 йилда С.А.Абдуллаев, А.Ж.Боиров, М.М.Тошқўзиев, А.У.Ахмедов, Э.А.Зиямухамедов, А.Исмоновлар томонидан И.А.Акрамов, М.М.Азизовлар иштирокида ўзбек тилида “Ўзбекистон Республикаси ерларининг мониторингини юритиш услуги” (Низоми) ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор ерларнинг сифат жиҳатидан мониторингини юритишга қаратилган. Лекин, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар, жумладан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторингини юритиш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар деярли ўтказилмаган, қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши ўсиши ва (масофадан зондлаш асосида) ерларнинг миқдор жиҳатидан мониторингини юритиш услугиёти бугунги кунга қадар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ерларининг мониторингини юритиш услуги – Низомини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори асосида 2003-2020 йилларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сон Қарорлари асосида ишланган «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг 2018-2024 йилларда илмий тадқиқот ишлари режаси асосида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Республиканинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда сифат ва миқдорий ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ва мониторинг юритишда замонавий рақамли технологияларини қўллаш;

мелиоратив ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари мониторинги маълумотларидан онлайн фойдаланиш имконини берадиган дастурий таъминот ишлаб чиқиш;

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини йўқламадан ўтказиш методини такомиллаштириш;

фойдаланишдан чиқиб кетган мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини аниқлаш, уларни қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиш учун ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

оборотдан чиқиб кетган ерларни ер тузиш лойиҳалари асосида қайта фойдаланишга киритиш тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ерларнинг мелиоратив ҳолатини мониторингини юритиш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида монографик тадқиқот, қиёсий таққослаш, иқтисодий таҳлил, мониторинг юритиш, инвентаризациядан ўтказиш, масофадан зондлаш, статистик гуруҳлаш, математик моделлаштириш, ер ахборот маълумотларини рақамлаштиришда Python дастурлаш тилидан ҳамда замонавий инновацион ГАТ технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини замонавий учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш методи такомиллаштирилган;

“Yer axborot tizimi” YAT номли очик портални такомиллаштириш асосида Python дастурлаш тили ёрдамида «Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими» дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар йўқлама режаси > учувчисиз учиш қурилмалари маълумотлари > Сунъий йўлдош маълумотлари > ArcGIS дастури > “Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими” дастури кетма-кетлиги механизми асосида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини йўқламадан ўтказиш усули такомиллаштирилган;

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни комплекс баҳолаш ва уларнинг мониторингини такомиллаштириш орқали оборотдан чиқиб кетган ерларни қайта фойдаланишга киритиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш тизими ишлаб чиқилган;

ер тузиш лойиҳалари асосида фойдаланишга киритилган ер майдонларида ҳудуднинг ихтисослашганлигидан келиб чиқиб экин турларини жойлаштириш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларининг сифат ва миқдорий ўзгаришлар динамикасини мониторингини инновацион технологиялар ёрдамида

аниқлаштириш методологияси ишлаб чиқилган;

мелиоратив ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалиги ер майдонлари тўғрисидаги маълумотлардан онлайн фойдаланиш имконини берадиган “Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими” дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

республиканинг 24 та туманига тавсия этилган, мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқламадан ўтказиш усули ишлаб чиқилган.

изланишлар олиб борилган 500 га мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларда истиқболли саналган учувчисиз учиш қурилмаси қўлланилиб, мониторинг ўтказилганда анаъанавий усулга нисбатан вақт сарфи 4 кундан 1 соатга, маълумотларни қайта ишлаш 6 кундан 4 соатга қисқариши, ойлик иш ҳақи ҳисобида талаб этиладиган харажатлар миқдори эса 2 млн 200 минг сўмдан 120 минг сўмга камайиши исботланган;

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Хоразм вилоятлари бўйича 2024 йилда қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритилган 76,5 минг га майдонларда қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш бўйича ер тузиш лойиҳалари тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган илмий тадқиқот натижалари қиёсий ва статистик таҳлил қилинганлиги, тизимли таҳлиллар асосида дала ишлари бажарилганлиги, олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги, яратилган дастурий таъминот амалиётда фойдаланилганлиги, услубий тавсиянома нашр этилганлиги, шунингдек республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика илмий журналлари даврий нашрларида чоп этилганлиги ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер фонди тоифалари таркибидаги мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонларининг йиллар бўйича ўзгаришлари динамикаси аниқланганлиги, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш зарурати асосланганлиги, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш методи такомиллаштирилганлиги, Республиканинг 24 та туманида олиб борилган тадқиқотлар асосида мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқламадан ўтказиш услубиёти ишлаб чиқилганлиги, қишлоқ хўжалиги мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни йўқламадан ўтказиш механизми такомиллаштирилганлиги, фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида ер тузиш лойиҳалари асосида қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш услубияти яратилганлиги ва анаъанавий усулга нисбатан учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида мониторинг ўтказиш самарадорлик кўрсаткичлари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, республиканинг 24 та туманида биринчи марта учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонлари мониторингини юритиш орқали ҳудуднинг ҳолатини баҳолаш, режалар ишлаб чиқиш ва самарали инвестицияларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини

жойлаштириш бўйича ер тузиш лойиҳалари, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларини йўқламадан ўтказиш методини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий, “Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими” дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларидан самарали фойдаланиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш” бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар якуни бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини бошқариш тизими ва уни сифат ва миқдорий жиҳатдан юритиш методи Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 2 майдаги 05/03-04-204-сон маълумотномаси). Натижада, республиканинг мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлари мониторингини юритишда, ер муносабатларини тартибга солишда, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда илмий-амалий ва услубий қўлланма сифатида хизмат қилган, хусусан услубий тавсиянома тайёрланиб чоп этилган.

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларда мониторинг юритиш имконини берадиган механизм “Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими” номли дастурий таъминот ишлаб чиқилган ва “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 2 майдаги 05/03-04-204-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги ва экологик мониторинг тизимининг самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда унга қарши чоратадбирлар ишлаб чиқиш жараёнини тезлаштириш имконини берган.

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ҳудудларда экин турларини жойлаштириш ва ушбу майдонларнинг меъёрий қийматини аниқлаш усули Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразми, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги бошқармаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025 йил 2 майдаги 05/03-04-204-сон маълумотномаси). Натижада, 2018-2024 йиллар мобайнида 690 минг гектардан ортиқ ерларни фойдаланишга киритишга, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 5 050 га, Самарқанд вилоятида 13 444 га, Сирдарё вилоятида 2 908 га, Тошкент вилояти 14 160 га ва Хоразм вилоятида 2 224 га ерларга қишлоқ хўжалик экинлари сабзавот, полиз, картошка, дуккакли экинлар, мойли экинлар, доривор экинлар, озуқа экинлар, буғдой, пахта, шоли, боғ, узум, тут жойлаштиришга эришилган.

мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш методологиясини такомиллаштириш бўйича чоп этилган услубий тавсиянома

мелиоратив ҳолати ёмонлашган қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини юритиш орқали, турли омиллар таъсирида юзага келаётган ўзгаришларини аниқлаш, ушбу ерларни барқарор бошқаришда илмий асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари «Ўздаверлойиха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг илмий-техник кенгашида кўриб чиқилган ва ижобий баҳоланган, жумладан 5 та, шундан 3 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган. Диссертация иши институтнинг илмий-техник кенгашида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шундан 1 та дастурий таъминот гувоҳномаси, 1 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан белгиланган илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 6 та маҳаллий ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг асосий ҳажми 188 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган **биринчи бобида** мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритишнинг назарий асослари ва методологияси, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритишда хорижий тажрибалар тўғрисидаги умумий маълумотлар таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда жорий этилган ва бугунги кунда ҳам амалда қўлланилаётган ер мониторинги 1998 йилда қабул қилинган “Ер кодекси” ва “Ер кадастри” тўғрисидаги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрь 496-сонли “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган “Ер мониторинги тўғрисидаги Низом” га асосан юритилади.

Таҳлилларга кўра, ерлардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатига қуйидаги кўрсаткичлар таъсир кўрсатади (1-расм).



1-расм. Ерлардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Мелиоратив ерлар мониторинги бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг таркибидаги ташкилотлар томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторинги ҳам ҳудудий қамраб олинишига кўра ерларнинг республика, минтақавий ва маҳаллий мониторинги таркибида амалга оширилади.

Дунё миқёсида мелиоратив ерлар мониторинги ва уни юритишга оид қатор чора-тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, АҚШ, Австралия, Германия, Исроил, Хитой, шунингдек Африка қитъасининг айрим давлатларида 40-50 йилдан кўпроқ вақт давомида замонавий ер мониторинги ишлари бошлаб юборилган. Уларда мақсадлар, вазифалар, технологиялар, кўрсаткичлар тўплами миллий манфаатларга қараб фарқланади.

Ушбу хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритиш ва яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилашни тизимли равишда ташкил этиш, шу орқали шўрланган ва мелиоратив ҳолати ёмон ерлардан самарали фойдаланиш, уларни тиклаш ва узлуксиз мониторинг қилиш имкони яратилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси ер фонди ва ундан фойдаланиш ҳолати”** деб номланган **иккинчи бобида** Ўзбекистон Республикаси ер фонди таҳлили, Ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши ҳамда Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мониторингини юритиш бўйича ишлар келтирилган.

Тадбиркорликни кўллаб кўвватлаш борасида қишлоқ хўжалигида суғориладиган экин майдонларидан тўғри фойдаланмаслик оқибатида нотураржой ва қурилиш майдонларига уларнинг бошқа ер турларига ўтказилиши, ички хўжалик қурилишларига ажратилиши, суғориш сувининг далаларга етиб бормаслиги, мелиоратив тармоқларнинг яхши ишламаслиги оқибатида ҳам суғориладиган экин ерларининг майдонлари камайиб кетмоқда (1-жадвал).

Республика бўйича экин майдонларининг динамикаси, (минг. га)

Ер тури	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2020 йил	2024 йил	2024 йилда	
						1990 йилга нисбатан +,-	2020 йилга нисбатан +,-
жами экин ерлари	4176,5	4056,6	4073,1	4033,5	4028,6	-147,9	-4,9
шу жумладан, суғориладиган	3407,3	3313,6	3315,9	3259,9	3245,1	-162,2	-14,8

*Изоҳ:** – Кадастр агентлиги маълумотлари асосида тузилган муаллиф ҳисоботлари.

Кейинги 34 йил давомида экин майдонларининг камайиши 147,9 минг га ташкил этган бўлса, шундан 162,2 минг га ни суғориладиган ерлар ташкил этади. Демак, ҳар йили республикаemiz бўйича 4,3 минг га экин ерлари ва 4,7 минг га суғориладиган экин майдонлари қисқариши кузатилмоқда.

Кадастр агентлиги томонидан қишлоқ хўжалиги ерларини ёппасига инвентаризациядан ўтказиш натижалари шуни кўрсатадики, 2024 йил республика бўйича 266,1 минг га суғориладиган экин ерлари қишлоқ хўжалиги экинлари экилмасдан, қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетган (2-жадвал).

Республика бўйича 2019 йил қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетган суғориладиган экин ерлари, (минг. га)

Т/р	Ҳудудлар	Суғориладиган экин ер майдони	Мақбуллаштирилган дан кейинги суғориладиган экин ер майдонлари	Фойдаланилмасдан қолиб кетган суғориладиган экин ерлари
1	Қорақалпоғистон Республикаси	415,4	348,0	69,4
2	Андижон	201,1	201,1	2,5
3	Бухоро	199,5	199,3	7,3
4	Жиззах	257,5	246,3	11,5
5	Қашқадарё	416,0	416,0	69,5
6	Навоий	91,7	91,7	6,3
7	Наманган	187,7	183,5	11,5
8	Самарқанд	247,0	247,0	11,0
9	Сурхондарё	239,3	227,8	11,6
10	Сирдарё	249,6	232,6	14,1
11	Тошкент	296,2	296,2	19,8
12	Фарғона	241,6	241,6	11,2
13	Хоразм	203,8	202,7	20,3
Жами:		3 246,1	3 133,9	266,1

Изоҳ: Кадастр агентлиги маълумотлари.

2-жадвалда келтирилганидек, қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетган экин ерлари, барча вилоятларда мавжуд бўлиб, уларнинг энг кичик майдонлари Андижон, Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлса, энг катта майдонлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги фойдаланишидан чиқиб кетган экин ерларини қайтариш янги ерларни ўзлаштириш ва экин ерларига қўшиш учун сарфланадиган ҳаражатларга нисбатан 3-4 баробар кам ҳаражат талаб қилади.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра 2024 йилда, республика ҳудудида шўрланган ер майдонлари фоиз кўрсаткичида вилоятлар кесимида сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилган (2-расм).

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси (71,2%), Бухоро (84,8%), Навоий (76,3%), Сирдарё (97,1%) ва Хоразм (99,2%) вилоятларида шўрланиш даражаси ниҳоятда юқори бўлиб, ушбу ҳудудларда экишга яроқли ерларнинг мелиоратив ҳолати жиддий муаммоли эканлигини кўрсатади. Аксинча, Андижон (2,1%), Наманган (8,2%) ва Самарқанд (1,5%) вилоятларида шўрланган ерлар улуши жуда паст даражада сақланмоқда.


Шунингдек, 2010–2024 йиллар давомида айрим вилоятларда шўрланиш кўрсаткичларининг барқарор пасайиши кузатилган. Жумладан, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 49,0% дан 22,7% га тушган бўлса, Қашқадарё, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ҳам ижобий динамикага эришилган.

Ушбу ҳолат ҳудудий шўрланишга қарши курашишда қабул қилинган стратегик ёндашувлар ва ер ресурсларини бошқариш тизимининг такомиллашуви билан изоҳланади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда мавжуд коллектор-зовур тармоқларининг катта қисми самарали фаолият юритмаяпти. Жумладан, «Ўзсувлойиха» институти маълумотларига кўра, умумий узунлиги 112,4 минг километрни ташкил этувчи ички хўжалик коллектор-зовур тармоқларидан 48,4 минг километри тозалаш ва таъмирлаш ишларига муҳтож ҳисобланади. Коллектор-зовур тармоқларининг қониқарсиз ҳолати, ёки уларнинг умуман ишламаслиги натижасида суғориладиган ерларда шўрланиш даражасининг ортишига сабаб бўлади.

Республикада ер ҳисоби давлат ер ҳисобининг мазмуни ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. У ўз таркибига тармоқ ишлаб чиқариши бўйича давлат ер ҳисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни, шунингдек аниқ бир тармоқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ўзига хос маълумотларни олади.

Республика ер фонди 8 та тоифаси таркибидаги суғориладиган ерларида ўзгаришлар таҳлил қилинганда, қишлоқ хўжалик ер турлари 2000 йилга нисбатан 2024 йилда 25 748,6 минг га ни ташкил этиб 1005,0 минг га, шу жумладан, суғориладиган ерлар 3 737,4 минг га бўлиб, 6,5 минг га камайганлиги аниқланди (3-жадвал).



2-расм. 2010-2024 йиллардаги Республикадаги шўрланган ер майдонлари ўзгариш динамикаси (Фондда)*

*Изоҳ: Сув ҳўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.

Ер фонди таркибининг динамикаси

(минг.га)

T/p	Ер турлари	1990 йил 1 январь ҳолатига	2000 йил 1 январь ҳолатига	2020 йил 1 январь ҳолатига	2024 йил 1 январь ҳолатига	2000 й.01.01 2024 й.01.01 фарқи +/-
1	экин ерлар	4176,5	4056,6	4033,5	4028,6	-28,0
	ш.ж. суғориладиган	3407,5	3313,6	3259,9	3245,1	-68,5
	- дарахтзорлар,	366,8	352,9	403,8	445,3	+92,4
	ш.ж. суғориладиган	354,5	339,7	380,5	401,0	+61,3
	-бўз ерлар	62,1	80,7	83,7	84,3	+3,6
	ш.ж. суғориладиган	25,9	46,5	48,7	49,3	+2,8
	-пичанзор ва ййловлар	23475,0	22263,4	21118	21190,4	-1073,0
	ш.ж. суғориладиган	37,3	44,1	42,9	42,0	-2,1
	қишлоқ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	25639,0	25748,6	-1005,0
	ш.ж. суғориладиган	3825,0	3743,9	3732,0	3737,4	-6,5
	томорқа ерлар	437,9	642,9	726	741,2	+98,3
ш.ж. суғориладиган	355,6	481,9	537,9	545,3	+63,4	
2	ўрмонзор ва бутазорлар	1410,0	1511,9	3588,9	4753,3	+3241,4
	ш.ж. суғориладиган	31,3	44,6	52,9	53,6	+9,0
3	боғдорчилик- узумчилик ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари	13,4	8,5	7,2	7,2	-1,3
	ш.ж. суғориладиган	9,9	7,2	6,2	6,2	-1,0
4	мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар	103,7	79,3	68,9	68,3	-11,0
	бошқа ерлар	15539,6	15414,1	14862,4	13573,8	-1840,3
5	жами ерлар	45585,0	44410,3	44892,4	44892,4	482,1
	ш.ж. суғориладиган	4221,8	4277,6	4331,7	4342,5	64,9

*Изоҳ: Кадастр агентлиги маълумотлари, 1990-2024 йиллар маълумоти муаллиф томонидан қайта ишланган.

Республикамиз бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг ер турлари бўйича таҳлил қилинганда, 2000 йилга нисбатан 2024 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари 20 761,6 минг гадан 26 132,2 минг га, шунингдек жами қишлоқ хўжалиги суғориладиган ер майдонини 4 210,1 минг гадан 4 226,2 минг гага кўпайганлиги аниқланди.


Экин майдонларининг 4 500 га камайиш ҳолатларига асосий сабаб қилиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларининг ер фондининг бошқа тоифасига ўтиши ва бошқалар билан изоҳланади.

Кўп йиллик дарахтзорларнинг 39 100 га кўпайиши асосан, лалми экини ерлари ййловларда янги боғ ва тоқзорларни барпо этилиши, бўз ерларнинг 1 100 га кўпайиши суғориладиган экин ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиши, пичанзор ва ййловларнинг 5 145 200 га кўпайиши ер фондининг бошқа тоифаларидагим ййловларнинг қишлоқ хўжалигига тоифасига ўтказилиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг “Мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритишда замонавий инновацион технологиялар” деб номланган учинчи бобида инновацион технологиялар орқали мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини юритишнинг хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳамда улардан фойдаланиш ҳолати ва «Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими» дастурини такомиллаштиришнинг зарурияти ва унинг асосий дастурий таъминоти масалалари ёритилган.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг ҳолатини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш учун сунъий йўлдош кузатувларидан, аэрофотосёмка тасвирларидан, шунингдек учувчисиз учиш қурилмалари (дронлар)дан фойдаланиб келинмоқда.

Учувчисиз учиш қурилмаларини амалиётга татбиқ этиш ҳажм жиҳатидан кенг ва суғориш каби агротехник тадбирлар бажарилаётган вақтда қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўсимликларнинг ҳолатини тезкорлик билан реал вақт режимида мониторинг қилиш зарур ҳолларда, шунингдек ушбу ишларнинг бажарилишида инсон таъсири ва харажатларнинг кескин камайишига олиб келади (3-расм).



3-расм. Маълумотлар базасини яратиш босқичлари

Учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида реал вақт режимида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ер майдонларида мониторинг ишларининг олиб борилиши ердан фойдаланувчиларга экиндаги салбий ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бериш ва кичик муаммоларнинг янада жиддий муаммоларга айланишининг олдини олиш имконини беради.

Тадқиқотларда 500 га мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни турли хил усуллар ёрдамида мониторинг қилишни қиёсий тавсифини ўрганилганда, қишлоқ хўжалигида дронлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самадор эканлиги аниқланди (4-жадвал).

**500 гектар мелиоратив ҳолати ёмон ерларни турли хил усуллар ёрдамида
мониторинг қилишнинг иқтисодий таҳлили**

№	Мониторинг услублари	Сарфланган вақт (кун, минут)	Ишчи кучи ва лавозими	Маълумотларни қайта ишлаш	Ойлик иш ҳаққи ҳисобида талаб этиладиган харажат (кунлик), сўмда	Олинган маълумот аниқлик даражаси, %	Асосий хусусиятлари	
							Ижобий томони	Салбий томони
1	Анъанавий усул	4 кун	4 нафар ер тузувчи	8 соат	00 000	70-85	-	1. Маълумотларни қайта ишлашга 10 кун вақт кетади. 2. Инсон омили юқори.
2	Квадрокоптер (Phantom 4 pro+) <i>Нарҳи: 28 млн. сўм.</i>	6 соат	2 нафар ер тузувчи оператор	4 соат		100	1. Кичик ҳажмдаги (500-1000 гектаргача бўлган) дала майдонларида учун қўллаш самарали. 2. Қишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 5 см гача бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 4. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Парвоз давомийлиги 20 дақиқани ташкил этади. 2. Қайта зарядлашга муҳтож бўлади. 3. Техник хизмат кўрсатиш даври тугагач, қайта таъмирлашга муҳтож бўлади. 4. Ноқулай об-ҳаво шароитида (шамол, қор, ёмғирли кунларда) шароитида қўллаб бўлмайди.
3	Картографик дрон- Foxtech АУК-250 VTOL Inspection Combo <i>Нарҳи: 161 млн. сўм.</i>	60 минут	2 нафар ер тузувчи оператор	4 соат		100	1. Катта ҳажмдаги (1000 гектар ва ундан кўп ҳажмдаги) дала майдонларида учун қўллаш самарали. 2. Қишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 5 см гача бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 4. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Парвоз давомийлиги 60 дақиқани ташкил этади. 2. Қайта зарядлашга муҳтож бўлади. 3. Техник хизмат кўрсатиш даври тугагач, қайта таъмирлашга муҳтож бўлади. 4. Ноқулай об-ҳаво шароитида (шамол, қор, ёмғирли кунларда) шароитида қўллаб бўлмайди.
4	Космосурат орқали	20 минут	1 нафар ер тузувчи мутахассис	2 соат	227 273	60-100	1. Вақт бирлиги нукта назаридан чексиз миқдордаги қишлоқ хўжалиги ерлари тўғрисидаги космосуратлар олиш имконияти мавжуд. 2. Қишлоқ хўжалик электрон рақамли харитасини 50 см дан юқори бўлган аниқликда яратиш имкониятига эга. 3. Дронларга нисбатан маълумотларни тез олиш имкониятига эга. 4. Қайта ишланган маълумотларни тўғридан-тўғри геопорталга юклаш имкониятига эга. 5. Инсон омили таъсири йўқ.	1. Космосуратни сотиб олиш шарт. 2. Сотиб олинган космосурат қайта ишлашга муҳтож бўлади. 3. Ноқулай об-ҳаво шароитида (булутли, қор, ёмғирли кунларда) аниқ натижа бермайди. 4. Қишлоқ хўжалиги ерлари космосурати ҳар олти ойда бир марта янгиланади, 5. Текин космосурат аниқлик даражаси паст бўлади. 6. Космосуратларни сотиб олиш қиймати юқори.

Дронлар нафақат деҳқончилик амалиётини яхшилайдиган, балки барқарор қишлоқ хўжалиги ва ҳосилдорликни оширишга ҳам ҳисса қўшадиган қўллаб афзалликларни тақдим этади.

Мелиоратив ҳолати ёмон ерларни замонавий усуллар ёрдамида мониторинг қилиш иқтисодий жиҳатдан самарали ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради. Геоахборот тизимлари (GIS), дронлар, сенсорлар ва сунъий интеллект технологиялари орқали ерларнинг шўрланиши, намлик даражаси ва бошқа мелиоратив ҳолатларини тезкор ва аниқ баҳолаш мумкин. Бу эса анъанавий усулларга нисбатан харажатларни қисқартириб, ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини оширади.

Иқтисодий таҳлил шуни кўрсатадики, замонавий мониторинг усулларига сарфланган инвестициялар узоқ муддатда катта иқтисодий фойда келтиради. Технологиялардан фойдаланиш орқали мелиоратив тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ҳосилдорликни ошириш ва сув ресурсларини тежаш мумкин. Шу билан бирга, замонавий усуллар орқали топилган маълумотлар асосида аниқ режалаштириш ва бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш, ерларнинг қайта тикланишини тезлаштиришга ҳам хизмат қилади.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда 2010 йилга нисбатан мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонлари кўпайганлигини кўрамыз (5-жадвал).

5-жадвал

Ер фонди тоифаларида таркибидаги мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдонларининг йиллар бўйича ўзгариши, (минг. га) (2010-2024 йй.)

Т/р	Ер фонди тоифалари	Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари															
		2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2010 йилга нисбатан фарқи (+;-)
1	қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	380,1	387,8	395,7	390,8	391,8	391,4	416,3	423	422,9	423	419,7	419,5	417	415	413,6	+33,5
2	аҳоли пункти ерлари																
3	саноат транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар													0,1	0,1	0,1	
4	табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар													0,2			
5	тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар																
6	ўрмон фонди ерлари	1,0	1,3	1,5	1,5	1,6	1,6	0,6	1,8	1,2	1,4	1,9	1,7	1,7	1,7	1,8	+0,8
7	сув фонди ерлари	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	+0,1
8	захира ерлар	0,1	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,2		0,1	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	0,1	
	Жами ерлар	381,3	389,5	397,5	392,7	393,7	393,3	417,3	425,0	424,4	424,8	421,8	421,6	419,3	417,1	418,5	+37,2

Сўнгги 15 йиллик мониторинг натижаларига кўра, республикамизда 2010-2016 йиллар оралиғида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдони 36 минг га ортганлиги экин ер майдонларини, суғориш суви кам бўлганлиги сабабли, сув таъминоти етишмаслиги, ички суғориш каналлари ва лоток тизимлари издан чиққанлиги оқибатида суғориладиган майдонларга сувнинг етиб бормаслиги, республикамизда аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиб бориши натижасида

қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифаларга ўтказилиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши ва бошқа сабабларга кўра қишлоқ хўжалик фойдаланишидан чиқиб кетганлиги билан изоҳланади.

Аксинча, 2017-2024 йиллар оралиғида 6,5 минг га камайганлиги эса суғориш иншоотларини тиклаш, тозалаш ва тартибга келтириш, экин ер майдонларида сув тежовчи технологиялар қўлланилиши билан изоҳланади.

Шунингдек, мелиоратив ёмон ерлар ер фонди тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, ўрмон фонди ерлари таҳлил қилинганда 2010 йилда 1,0 минг га мелиоратив ҳолати ёмон ерларни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб бундай ерлар 1,8 минг га етган. Ушбу ҳолат ўрмон фонди ерларида шаҳарсозлик масалалари билан бевосита боғлиқ деб изоҳланади.

Ер фонди тоифалар кесимида мелиоратив ҳолати ёмон ерлар таркибидаги ўзгаришлар, сўнгги 2024 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 33,5 га, ўрмон фонди ерлари 0,8 га, сув фонди ерлари 0,1 га ортган, захира ерлар таркибида ўзгариш ҳолатлари аниқланмаганлигини кузатишди.

Диссертациянинг “Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқлама (инвентаризация)дан ўтказиш” деб номланган тўртинчи бобида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторинги босқичлари, «Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими» асосида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар мониторингини ташкил этиш ҳамда мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерларни йўқлама (инвентаризация)дан ўтказиш методини такомиллаштириш таъминоти масалалари ёритилган.

Тадқиқот маршрутларини аниқлаш, ишнинг мазмунини асослаш, мониторинг дастурини ишлаб чиқиш. Дастурнинг ўзига хос хусусияти объект ҳажмлари ва частоталарини белгилаш, мониторинг ишларини масофадан туриб, аэрокосмик суратлар асосида аниқлаш, ГАТни қўллаш, маълумотлар базасини шакллантириш, прогнозлаш ишларини бажариш ва бошқа имкониятларни таҳлил қилишдан иборат (4-расм).



4-расм. Мониторинг технология босқичлари.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган “Мелиоратив мониторинг геоахборот тизими” порталида ҳозирги вақтда республика ва вилоят чегаралари, шунингдек, туман ва шаҳарлар чегаралари бўйича электрон маълумотлар мавжуд. Ушбу порталда республиканинг барча маъмурий ҳудудий тузилишининг реал вақтдаги ахборотлари ва қатламлар кетма-кетлиги тасвирланган. Портал маълумотлари мунтазам равишда янгиланиб борилади (5-расм).



5-расм. Мелиоратив мониторинг геоахборот тизимининг бош саҳифасининг кўриниши.

Хусусан маълумотлар:

вилоятлар;

туманлар;

жами йўқлама қилинган ер майдони;

ҳолатини яхшилаш натижасида қайта тикланадиган ерлар;

ҳолати ёмон ерлар;

ер ости сизот сувлари кўтарилиши натижасида мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар;

шўрланиш даражаси юқори ерлар ҳамда иккиламчи шўрланган ерлар;

сув таъминоти етишмайдиган ва суғориш иншоотлари яроқсиз ҳолга келган ерлар;

мелиоратив тизимлари ишламаслиги оқибатида ишдан чиққан ерлар;

ўта тошлоқ ва гипс қатлами мавжуд ерлар;

дарё сувларининг кўтарилиши оқибатида, қирғоқ буйи экин ерлари ювилиб кетган ерлар;

булоқ сувлари қуриб қолиб фойдаланилмаётган ерлар;

қишлоқ хўжалик экинлари экилмаслиги оқибатида яроқсиз ҳолатга тушган ерлар;

фойдаланилмасдан бўз ҳолатига айланган ерлар;

қишлоқ хўжалик экинлари экилиб келинаётган ерлар;

сурункали равишда 2000 йилдан буён фойдаланилмаётган ерлар.

Тадқиқотлар давомида 2024 йилда республика бўйича жами 67 137,8 га суғориладиган ер майдонларида мониторинг ишлари олиб борилди. Шундан 31 333,5 га қишлоқ хўжалиги мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар эканлиги аниқланди (6-жадвал).

Қишлоқ хўжалиги мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар майдони, минг га
(2024 йил маълумоти)

№	Худудлар номи	Туманлар номи	Жами суғориладиган ерлар, га	Ш.ж. мелиоратив ҳолати ёмонлашган				
				жами, га	Сабаби			
					сув таъминоти оғир, га	сизот сувлари кўтарилиши ҳисобига, га	шўрланган, га	тошлоқ ерлар, га
1	Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний	1036,8	896,0	734,1		162,0	
		Қонликўл	7993,6	2574,5	2294,0	277,1	3,3	
		Қораўзак	13766,0	3978,9	3458,7	6,8	499,9	13,6
		Тахтақўпир	16440,4	4811,1	4384,4	7,9	418,8	
		Шўманай	9966,6	4700,2	4700,2			
жами			49203,3	16960,7	15571,3	291,8	1084,0	13,6
2	Самарқанд	Нарпай	1163,0	370,3	239,1	110,3	20,9	
		Пастдарғом	207,0	171,9	74,0	90,6	7,2	
		жами	1370,0	542,2	313,1	200,9	28,2	
